

## XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1- январь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 819,9 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 67,9 минг кишига ёки 1,8 %га кўпайди. Шундан, 2 152,0 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,3 %) ва 1 667,9 минг киши – қишлоқ жойларида (43,7 %) истиқомат қилади.

### Вилоят ҳудуди ва аҳоли зичлиги (2021 йил 1-январь ҳолатига)

	<i>ташкил топган сана</i>	<i>ҳудуди, минг кв. км</i>	<i>доимий аҳоли сони, минг киши</i>	<i>1 кв. км га аҳоли зичлиги, киши</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>15.01.1938</b>	<b>6,759</b>	<b>3 819,9</b>	<b>565,2</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	1877 й.	0,1003	293,6	2927,2
Қўқон	X аср	0,037	256,5	6932,4
Қувасой	14.06.1954 й.	0,264	95,0	359,8
Марғилон	X аср	0,041	238,8	3824,4
<i>туманлар:</i>				
Олтиариқ	29.09.1926 й.	0,631	214,4	339,8
Қўштепа	16.04.1952 й.	0,368	193,4	525,5
Боғдод	31.12.1964 й.	0,333	218,9	657,4
Бувайда	26.12.1973 й.	0,279	231,0	828,0
Бешариқ	29.09.1926 й.	0,774	230,7	298,1
Қува	10.02.1939 й.	0,438	261,3	596,6
Учкўприк	29.09.1926 й.	0,275	231,6	842,2
Риштон	09.01.1967 й.	0,307	204,4	665,8
Сўх	27.02.1990 й.	0,221	79,1	357,9
Тошлоқ	12.04.1973 й.	0,243	205,2	844,4
Ўзбекистон	17.04.1963 й.	0,689	241,8	350,9
Фарғона	22.02.1964 й.	0,6117	216,3	353,6
Данғара	07.12.1970 й.	0,435	176,4	405,5
Фурқат	09.04.1992 й.	0,305	119,3	391,1
Ёзёвон	27.12.1980 й.	0,407	112,2	275,7

Фарғона вилоятининг маъмурий-худудий ташкил топиши 1938 йилнинг 15-январидан бошланади. Худуди 6,759 минг квадрат километрни ташкил этади ёки мамлакатимиз худудининг 1,5 %га тенг. Вилоятимиз шимолдан Наманган вилояти, шарқдан Андижон вилояти, жануб томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Баткен вилоятлари ва ғарбдан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадош. Вилоятнинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шохимардон ва Ёрдон, Риштон туманининг Чўнғира қишлоқлари вилоят, Республика худудидан ташқарида, Қирғизистон Республикаси худудида жойлашган.

Вилоят маъмурий худудий бўлинишига кўра 4 та вилоят миқёсидаги шаҳар, 15 та туман, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар, 197 та шаҳар типидagi посёлкалар, 1 227 та аҳоли яшаш пунктлари ҳамда 1 038 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташкил топиб, уларда 3 819,9 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоятнинг маъмурий маркази Фарғона шаҳри.

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқ ҳавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўътадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,5°C, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати - 3°C. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм.ни ташкил этади.

Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чақиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли ўсимликлар, тоғ ён бағирларида pista, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.


Географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги вилоятда азотли ва фосфорли ўғитлар, нефть маҳсулотлари, оҳактош, соғ тупроқлар (ғишт, черепица учун хом-ашё), мәрмар, цемент хом-ашёси, шағал, енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун янада қулайдир. Вилоятда фойдали қазилмаларнинг 43 тури аниқланган бўлиб, улардан 21 таси ўзлаштирилмоқда.

**Фарғона вилояти ҳудудлари**  
**бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот**  
*(2021 йилнинг 1-январь ҳолатига)*

	<i>Доимий аҳоли сони, минг киши</i>			<i>Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %да</i>		
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан:</i>		<i>жами</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>		<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>3 819,9</b>	<b>2 152,0</b>	<b>1 667,9</b>	<b>101,8</b>	<b>56,3</b>	<b>43,7</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Фарғона	293,6	293,6	-	101,6	100,0	-
Қўқон	256,5	256,5	-	101,5	100,0	-
Қувасой	95,0	53,4	41,6	101,9	56,3	43,7
Марғилон	238,8	238,8	-	101,6	100,0	-
<i>туманлар:</i>						
Олтиариқ	214,4	161,8	52,6	101,9	75,4	24,6
Қўштепа	193,4	75,3	118,1	102,2	39,1	60,9
Боғдод	218,9	112,8	106,1	102,1	51,5	48,5
Бувайда	231,0	109,9	121,1	101,9	47,8	52,2
Бешариқ	230,7	81,1	149,6	101,5	35,1	64,9
Қува	261,3	121,2	140,1	101,6	46,4	53,6
Учқўприк	231,6	42,0	189,6	101,9	18,1	81,9
Риштон	204,4	130,8	73,7	101,7	64,0	36,0
Сўх	79,1	50,2	28,9	101,8	63,6	36,4
Тошлоқ	205,2	47,6	157,6	102,1	23,3	76,7
Ўзбекистон	241,8	104,7	137,1	101,7	43,3	56,7
Фарғона	216,3	135,5	80,8	102,0	62,6	37,4
Данғара	176,4	41,1	135,3	102,1	23,3	76,7
Фурқат	119,3	28,1	91,2	101,7	23,6	76,4
Ёзёвон	112,2	67,7	44,6	102,0	60,4	39,6

Шаҳарлар ичида энг кўп аҳоли Фарғона шаҳрида 293,6 минг киши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 %га ўсган) ва туманларда энг кўп аҳоли Қува туманида бўлиб, 261,3 минг кишини ташкил қилади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 %га ўсган).

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2021 йил 1- январь ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, %да)





**Доимий аҳоли сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
(йил бошига; киши)

	2019 йил		2020 йил	
	сон	улуши, %да	сон	улуши, %да
<b>Жами аҳоли сони</b>	<b>3 683 300</b>	<b>100,0</b>	<b>3 752 034</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан ёшлари, ёш</i>				
0-2	231 319	6,3	240 623	6,4
3-6	291 797	7,9	302 940	8,1
7-13	456 160	12,4	466 858	12,4
14-17	215 993	5,9	220 957	5,9
18-24	443 742	12,0	422 365	11,3
25-30	422 902	11,5	424 939	11,3
31-40	560 690	15,2	580 558	15,5
41-50	440 615	12,0	447 286	11,9
51-60	352 746	9,8	359 005	9,6
61-70	176 354	4,8	195 692	5,2
71 ёш ва катталар	90 982	2,5	92 796	2,5

**Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
(жами аҳолига нисбатан, %да)

Вилоятда 2020 йил мобайнида айрим ёш гуруҳларининг жамига нисбатан улуши сезиларли ўсиши кузатилди: ўтган йилдагига нисбатан 31-40 ёшдаги аҳоли улуши 15,5 % , жамига нисбатан 0,3 % га, 61-70 ёшдаги аҳоли улуши 5,2 %га жамига нисбатан 0,4 %га ўсди.

Ҳамда аксинча, аввалги йилга нисбатан 18-24 ёшдаги аҳоли улуши сезиларли камайди ва жамига нисбатан 0,7 %га фарқ берди.

**Январь–декабрида вилоят бўйича аҳолининг  
табiiй ҳаракати коэффицентлари**


Кўрсаткичлар	минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
Туғилганлар	87 751	92 979	23,6	24,6
Ўлганлар	17 202	18 544	4,6	4,9
Никохлар, мингта	34 959	34 065	9,4	9,0
Ажралишлар, мингта	3 192	2 841	0,9	0,8

**Туғилиш даражаси.** 2020 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони 93,0 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилнинг шу даврига (87,7 минг киши) нисбатан 5,2 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 24,6 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Фарғона шаҳрида 17,9 дан 19,9 промиллега, Қуштөпа туманида 25, 2 дан 27,1 промилле, Қувасой шаҳрида 20,9 дан 22,5 промиллега, ўсиши кузатилди.

**Аҳолининг табiiй ҳаракати коэффиценти**

*(2021 йилнинг 1- январь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-декабрда шаҳар, туман ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимларида 34 065 та никоҳлар ва 2 841 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,0 та никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида 9,4 та) ва 0,8 та ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида – 0,9 ) тўғри келади.

**Январь–декабрда тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони  
(бирликда)**

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Вилоят</b>	34 959	34 065	3 192	2 841
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	2 396	2 371	460	393
Қўқон	2 201	1 977	352	330
Қувасой	852	867	104	80
Марғилон	2 174	2 152	202	155
<i>туманлар:</i>				
Олтиариқ	2 214	2 298	169	159
Қўштепа	1 917	1 962	122	129
Боғдод	1 937	1 981	176	178
Бувайда	1 995	2 082	136	125
Бешариқ	2 061	1 943	175	172
Қува	2 354	2 195	184	105
Учқўприк	2 342	2 052	116	122
Риштон	1 858	1 904	165	131
Сўх	599	518	39	43
Тошлоқ	1 928	1 853	106	100
Ўзбекистон	2 228	2 130	205	232
Фарғона	1 994	1 948	193	146
Данғара	1 760	1 764	142	109
Фурқат	1 172	1 110	88	84
Ёзёвон	977	958	58	48

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 9 675 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 16 197 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 6 522 кишига (2019 йилнинг шу даврида – минус 1 815 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Бешариқ (минус 1 000), Бувайда тумани (минус 801) ва Ўзбекистон туманида (минус 658) кузатилди.


**Январь–декабрида аҳолининг миграция кўрсаткичлари**  
(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Вилоят</b>	<b>12 667</b>	<b>9 675</b>	<b>14 482</b>	<b>16 197</b>	<b>-1 815</b>	<b>-6 522</b>
<i>шаҳарлар</i>						
Фарғона	3 820	3 110	2 300	2 438	1 520	-672
Қўқон	1 219	837	1 318	1 493	-99	-656
Қувасой	438	421	372	334	66	-87
Марғилон	1 125	804	1 328	1 450	-203	-646
<i>туманлар</i>						
Олтиариқ	336	194	559	565	-223	-371
Қўштепа	530	577	846	771	-316	-194
Боғдод	628	409	583	596	45	-187
Бувайда	284	179	608	980	-324	-801
Бешариқ	307	180	483	1 180	-176	-1 000
Қува	377	156	708	756	-331	-600
Учкўприк	347	116	729	775	-382	-659
Риштон	395	342	604	721	-209	-379
Сўх	14	4	50	57	-36	-53
Тошлоқ	515	483	782	746	-267	-263
Ўзбекистон	682	352	788	1 010	-106	-658
Фарғона	832	847	889	868	-57	-21
Данғара	590	438	675	675	-85	-237
Фурқат	73	102	597	531	-524	-429
Ёзёвон	155	124	263	251	-108	-127




Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 093,6 минг сўмни ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 10,6 %га ошди. Энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Фарғона шаҳарда 2 799,0 минг сўмни, Қўқон шаҳарда 2 314,6 минг сўмга тўғри келди.

**Январь-декабрь ойлари давомида ўртача  
номинал ҳисобланган иш ҳақи  
(минг сўмда)**



### Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

( 2020 йил январь-декабрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларисиз минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори молия ва суғурта фаолиятига тўғри келиб, 5 088,3 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич қурилишда 2 221,9 саноатда 2 760,2 ва таълим соҳасида 1 800,2 минг сўмдан иборат бўлди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(январь-декабрь қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз,  
минг.сўмда)

	2019 йил	2020 йил.	Ўсиш сурати %да
<b>Вилоят</b>	<b>1 893,6</b>	<b>2 093,6</b>	<b>110,6</b>
<i>шаҳарлар</i>			
Фарғона	2 423,1	2 799,0	115,5
Қўқон	2 042,6	2 314,6	113,3
Қувасой	1 967,0	2 122,1	107,9
Марғилон	1 820,6	1 846,8	101,4
<i>туманлар</i>			
Олтиариқ	1 624,9	1 612,3	99,2
Қўштепа	1 528,0	1 846,0	120,8
Боғдод	1 702,6	1 936,9	113,8
Бувайда	1 482,0	1 512,5	102,1
Бешариқ	1 416,2	1 488,5	105,1
Қува	1 541,1	1 743,9	113,2
Учкўприк	1 604,5	1 735,6	108,2
Риштон	1 558,1	1 733,4	111,3
Сўх	1 613,6	1 774,9	110,0
Тошлоқ	1 874,4	1 978,7	105,6
Ўзбекистон	1 654,4	1 716,6	103,8
Фарғона	1 450,6	1 496,4	103,2
Данғара	1 558,8	1 592,0	102,1
Фурқат	1 704,3	1 869,1	109,7
Ёзёвон	1 797,8	1 890,2	105,1